

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил июнь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья: Ш.Юлдашев, судья ёрдамчиси У.Халикуловнинг котиблигида, тарафлардан Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Чориев, жабрланувчи ААА, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Шеровнинг иштирокида,

ХХХ, 1996 йил 14 октябрь куни Термиз шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ишламайди, маълумоти ўрта-махсус, судланмаган, оилали, бир нафар фарзанди бор, Термиз шаҳарда яшайди, иш юзасидан унга нисбатан “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга оид №1-1901-2203/257-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд тарафларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилиб ва уларнинг кўрсатувларини тинглаб, ҳамда давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

ХХХ, 2022 йил 19 апрель куни тахминан соат 21:30да ўзига олдиндан таниш бўлган Термиз шаҳарда яшовчи АААнинг яшаш уйига бориб, унинг синфида таҳсил олувчи Термиз шаҳар, Юлдуз маҳалласи, Шохизинда кўчаси, 18-уйда яшовчи жияни БББга гап отиб, қўпол муносабатда бўлганлиги сабабли у билан жанжаллашиб, унга нисбатан тан жароҳати етказишни мақсад қилиб, АААнинг яшаш уйининг ёнида у билан жанжаллашиб, АААнинг юзи, боши ва бошқа дуч келган жойларига қўлининг мушти билан уриб, ерга йиқилганидан сўнг эса оёқлари билан турли жойларига тепиб, тан жароҳати етказган.

Натижада ААА тан жароҳати олиб, шифохонага мурожаат этган.

Ўзбекистон Республикаси Суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Сурхондарё филиалининг 2022 йил 21 апрелдаги 602-сонли суд тиббий экспертиза хулосасига кўра фуқаро АААнинг баданида, яни пастки чап томонида юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, чап лунжи шиллиқ қаватида лат йиртма яраси, бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап кўз соҳаси, бош энса ва ўнг лунж соҳаларида қонталашлари каби тан жароҳатлари мавжудлиги ва ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра 6 кундан ортиқ аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган мезонларга кўра “соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган энгил тан жароҳати” деб баҳоланиши аниқланган.

Дастлабки тергов органи томонидан ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми “соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ



бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш”да ифодаланган жиноят аломати билан тўғри квалификация қилинган.

Суд мажлисида жабрланувчи ААА дастлабки тергов даврида берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда у судланувчи ХХХ билан ярашганлигини, ХХХ ундан кечирим сўраб, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ бартараф этганлигини, ярашув ихтиёрий равишда, бирон-бир тазйиқлар бўлмаганлигини, ҳозирда ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлаб, судланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи ХХХ ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, жабрланувчидан кечирим сўраб, унга етказилган зарарни бартараф этганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини инобатга олиб, суддан ярашувни тасдиқлаб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-Процессуал, Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 66¹-моддаси киритилган қоидаларга мувофиқ, яъни мазкур моддада таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бир қатор моддаларида, шу жумладан 109-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин дейилган.

Шу билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтилган қонун билан тўлдирилган Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмида жабрланувчи Жиноят кодекси 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, гумонланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги” 27-сонли қарорининг 10-бандида кўрсатилишича “Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш пайтида судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ушбу ҳуқуқий институт фақат ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун ҳамда Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, жабрланувчи ҳамда судланувчи суд мажлисида ярашганликларини,



жабрланувчи судга бу ҳақда ариза берганлигини ва аризани ихтиёрий равишда ёзганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олиб, суд унга нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра, унинг жиноят содир этишда айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни лозим деб топади.

Суд, жабрланувчи АААга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбланган ХХХга нисбатан жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи АААга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича ШШШга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим устидан 20 сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Ш.Юлдашев

